

## ЛУТФИЙ ЛИРИКАСИДА БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Назарова Гулираъно Фахридин қизи*

ЎзЖДТУ халқаро журналистика факултети

1-босқич талабаси

Е-маил: назаровагулирано529@gmail.com

Тел: +998957880398

**Аннотация:** ушбу мақолада Лутфий ижодида кўп учрайдиган бадиий тасвир воситалари ҳақида сўз юритилган. Шоир ижодидан мисоллар келтириш орқали талмех, тазод, ирсоли масал, хусни таълил, муболаға каби шеърий санъатлар таҳлилга тортилган. Ғазал байтларидаги санъатлар қандай вазифа бажарганлиги атрофлича ўрганилган.

**Калит сўзлар:** тазод, санъат, талмех, ирсоли масал, ғазал, хусни таълил, муболаға.

**Абстракт:** тхис артисле талкс абоут артистис имаге тоолс тҳат аре офтеп фоунд ин Лутфийъс шорк. Поетис арц суч ас талмех, тазад, ирсоли масал, хусни талил, анд еҳаггератион аре анализед бй гивинг ехамплес фром тҳе поетъс шорк. Тҳе функцион оф арц ин гҳазал версес ҳас беен тҳороугҳлй студиед.

**Key words** тазад, арт, талмех, ирсоли масал, гҳазал, хусни талил, еҳаггератион.

Замонасининг маликул-каломи – сўз мулкининг султони фаҳрий унвонига муносиб кўрилган, Фирдавсий, Низомий, Анварий, Саъдий, Хожа Хофиз сингари буюк форс-тоҷик адабиёти дарғалари қаторидан фаҳрли ўрин егаллаган. Мавлоно Лутфий ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндадаридан биридир. Лутфий туркий тилдаги шеърларини жамлаб, девон тартиб берган. Алишер Навоий шоирнинг “туркча девони ҳам машхурдир”,—дея таъкидлайди. Шоир девонларининг бир неча қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Бизгача шоирнинг 16–20-асрлар мобайнида кўчирилган туркий девонининг 33 қўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, улар Тошкент, Душанба, Истанбул, Техрон, Лондон, Париж, Санкт-Петербург кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланади.

Лутфий шеърларида бир қанча бадиий тасвир воситалари учрайди, жумладан: тазод, талмех, хусни таълил, муболаға, ирсоли масал кабилар.

Тазод шарқ мумтоз адабиётида кенг қўлланилган усул бўлиб, бир-бирига зид нарса ва ҳодисаларни юзлаштириш демакдир.(А.Хожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Шарқ, 1999, 55-бет.) Лекин яна шу қарама-қарши қўйилган нарса ва ҳодисалар айни вақтда ўзаро узвий боғланган бўлади.

Адамдин емди сенингтек вужуда қайда келур,  
Үлар тирик сени кўрса, ва ле ўлик тирилур.

Лутфий халқ орасидаги яҳши нарсани мақтаганда “ўликни тирилтиради” деган таъбири асосида тазод яратган. Ёрдаги хусн-қомад шу даражадаки, у ўликка жон бағишлайди, уни кўрган тириклар еса ўлади. Ўлиш ва тирилиш, ўлик ва тирик қарама- қарши тушунчалардир. Аммо бу ҳодисаларнинг биргина сабабчиси – маъшуқадир. Мумтоз шоирларимиз ва хусусан Лутфий ижодида тазод етакчи бадиий воситалардан бири сифатида ўринли қўлланилган.

Дунё гўзалига аталган муҳаббат қўшиқларини куйлашда маъно ва шакл бирлиги учун курашган шоир ўз мақсадини ёритишда бошқа бадиий воситалар каторида тазоддан ҳам фойдаланади.

Хорлик ҳаддин ошурманг, чунки иззат йўлдадур,  
Оtingиз наълинда бизни ҳоки роҳ айлаб ўтунг. (132)

Юқоридаги мисолларда “вафо”га “жафо”, “хорлик” ва “иззат” қарама- қарши қўйилиб, тазод усули ишлатилган. Хўрланган ошиқ ёрнинг жафолари ҳаддан ошганлигидан шикоят қилиб, суюкли ёрдан иззат ва вафо қилишини сўрайди.

Талмех – арабча яшин чақнаши, қўз қирини ташлаш, ялт етиб қарашиб деган маъноларни ифодалайдиган сўздир. (А.Хожиахмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Шарқ, 1999, 68-бет.) Талмех – мумтоз шеъриятда кенг қўлланилган маънавий санъатларнинг енг характерлilаридан бири бўлиб, Лутфий ижодиётида ҳам маълум ўрин егаллайди.

У истиора, ташбеҳ каби санъатлардан фарқли ўлароқ, ижодкорга тарихий ё афсонавий воқеаларга, масаллар, машҳур асарлар ва қаҳрамонлар образига ишора қилиш ва шу йўл билан ўз фикрини можаз ҳолда кучайтириш учун имконият беради.

Масалан, Лутфий қуидаги байтда Юсуф қиссасига шаъма қилади:

Яқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз

Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Бир жуввки Юсуфга тегиб ерди, чу борди,  
Онинг учун ул ҳам сенга мерос қолибту.

Ушбу байтнинг мазмуни ғазал билан тўла таниш бўлган ўқувчига тушунарли бўлади. Афсонага кўра, Юсуф жуда гўзал бўлган . зулайҳо Юсуфнинг ўтар йўлига чайла қуриб унга муштоқ бўлиб турган бир пайтда, Юсуф хуснига мағурланиб, унга боқмай ўтади . Шеъриятда кўпинча, хусн –чирой камолоти намунаси сифатида Юсуф есга олинади. Бизнинг мисолимизда шоир айтмоқчики, Юсуфнинг хусни маъшуқанинг хуснининг ўндан бирига тенг холос, яъни хусн – малоҳат ўн бўлакка бўлиниб, ундан тўққиз улуши маъшуқага

берилган, бир бўлаги еса Юсуфга. Юсуфдан кейин, ҳатто ундаги хусни-мaloҳат ҳам енди маъшуқага мерос қолган.

Хусни таълил (хусни-кўрк, чирой; таълил – асослаш, исбот, важ) истилоҳи араб тилидан олинган бўлиб, асослаш кўрки ёки чиройли асослаш деган маънони беради. (А.Хожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Шарқ, 1999, 73-бет.)

Лутфий қуидаги байтни яратишда хусни таълилга мурожаат қилар екан, бир фактни келтириб, уни мутлақо даҳли бўлмаган бирор ҳодиса билан далиллаштиради:

Оғзинг сифатин қилурда хома

Кўп totлиғ учун ёрилди тили.

Бошқача қилиб айтганда, хома (қалам) оғзинг васфини ёзаётган еди, оғзингнинг шириналлигидан қаламнинг тили ёрилди демоқчи бўлади шоир. Бу байт шириналлик ҳақида гап кетганда ишлатиладиган ҳалқ ибораси (тилни ёради-я) сингдирилган:

Занбури асал оғзи тўла шаҳд еканиндан,

Ирнингни кўриб, bemаза деб, бол тўкубдур.

Ёр лабининг таъмидан воқиф бўлган болари “менинг асалим ширин емас екан” деб ўз оғзидағи болини тўккан.

Муболаға – нарса ёки ҳодисага хос хусусиятни ошириб, маҳоват қилиб тасвирлаш. Муболаға образни бўрттиришга ва шу йўл билан асарнинг тасвир кучини оширишга хизмат қиласи. (А.Хожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Шарқ, 1999, 84-бет.)

Лутфий ғазалларида биз муболағанинг турли хилларини кўрамиз.

Муболаға образни бўрттиришга ва шу йўл билан асарнинг таъсир кучини оширишга хизмат қиласи. Шоир маъшуқага қараб “Агар сенинг кўнглинг тошдан ҳам қаттиқ бўлсада, менинг оҳимдан ериб кетади, чунки оҳим тоғни ҳам еритади, сенинг кўнглингга ҳар бир кун таъсир қилиши бегумон” деб, ёрни инсофга чақиради:

Тоғни еритур оҳим асар қилгуси бир кун,

Кўнглинг неча кун бўлса темур, тош дағи пўлод.

Ирсоли масалнинг луғавий маъноси мақол келтириш бўлиб, бирор муҳокама ва мулоҳазани мақол билан тасдиқлаш усулидир. (А.Хожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Шарқ, 1999, 88-бет.)

Лутфийнинг “Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису” мисраси билан бошланадиган ғазали бошдан-оёқ тамсилдан фойдаланиш намунаси ҳисобланади.

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису, Масалдурким: “Чароғ туби қаронғу”

Бу ғазалда ҳалқ мақоллари ва ҳикматларидан шоир моҳирона фойдаланган: чироқ таги қоронғу, ёки чироқ нури тагига тушмас, оқсан ариққа оқар сув, киши кўзи тарози, ҳинди қон кўрса қўрқат (тожикча аквиваленти ҳам

бор:ҳинду хун дид-бу мақол Бухоро тожиклари тилида асосан қўлланади), санъаткор асарда қўллаган мақолини факат тасдиқлаб, маъқуллаб қолмасдан, балки зикр етган мақолига ўзининг турли туман муносабатини ҳам билдириши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Лутфий ижодида бир қанча бадиий санъатлар қўлланган бўлиб, ҳар бир тасвири воситаси ғазални жозибадор бўлишига, турли маънолар ва вазифалар касб этишига ёрдам берган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Лутфий. Сенсан севарим. –Тошкент: Фан, 1987.
2. Исъҳоқов Й. “Гул ва Наврӯз”нинг муаллифи Лутфийми? Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1-сон.
3. Исъҳоқов Й. Навоий поетикаси. –Тошкент, Фан, 1983.
4. Исъҳоқов Й. Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: Зарқалам, 2006.
5. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Тошкент: Шарқ, 1999.
6. Ҳамидов З. Навоий бадиий санъатлари.–Тошкент: Университет, 2001.
7. Ҳайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. –Тошкент, Фан, 1993.